

## Ҳаж зиёратчиларининг сони маълум бўлди

Image not found or type unknown



06:00 / 18.08.2018 4357

Ҳаж ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистонига қарийб 1 миллион 700 минг зиёратчи етиб келди. Бу ҳақда IslamNews'га таяниб Азон интернет нашри хабар берди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 1 684 629 зиёратчи паспорт назоратидан ўтган бўлиб, улардан 890 минг нафари эркаклар, 731 минг нафари аёллардир.

Бундан ташқари, 233 740 нафар маҳаллий мусулмонлар ҳам зиёратчи сифатида рўйхатдан ўтган.

*ЎМИ Матбуот хизмати*